

**ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ОБЪЕКТЛАРИДА ЖАМОАТ
ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Бехзодбек Ислombeкович ИСЛОМБЕКОВ

Мустақил изланувчи
Жамоат хавфсизлиги университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада метрополитен объектлари хусусиятлари ва уларни қўриқлашнинг замонавий усуллари, метрополитенда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида долзарб саналган ташкилий-ҳуқуқий чоралар ёритилади. Мавзу юзасидан олимларнинг фикрлари келтирилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш борасида қонунчиликка таклифлар берилади.

Таянч сўзлар: жамоат хавфсизлиги, метрополитен объектлари, деполар, ёпиқ ҳудуд, хавфсизлик талаблари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, эскалаторлар, қўриқланадиган объектлар.

**ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВОЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ
ОХРАНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА И ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НА ОБЪЕКТАХ
ТАШКЕНТСКОГО МЕТРОПОЛИТЕНА**

Бехзодбек Ислombeкович ИСЛОМБЕКОВ

Независимый исследователь
Университет общественной безопасности
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье освещаются особенности объектов метрополитена и современные методы их охраны, организационно-правовые меры, являющиеся актуальными в обеспечении общественной безопасности на метрополитене. Приводятся мнения ученых по теме, выдвигаются предложения для законодательства по совершенствованию нормативно-правовых актов.

Ключевые слова: общественная безопасность, объекты метрополитена, депо, закрытая территория, требования безопасности, нормативно-правовые акты, эскалаторы, охраняемые объекты.

Метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масала бугунги кунда бутун дунё олимларининг илмий мунозара майдонига айланган ва у ҳар қайси мамлакатнинг миллий, ижтимоий хавфсизлиги, манфаатлари учун ўта долзарб ҳисобланади. Чунки дунё мамлакатлари метрополитенларида йиллар давомида содир этилган оғир жиноятлар,

террористик актлар жамоат хавфсизлигини ҳар томонлама таъминлаш бўйича махсус ва энг замонавий инновацион чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, содир этилиши эҳтимол тутилган турли ғайриқонуний тажовузларнинг барвақт олдини олишга қаратилган. Тошкент метрополитенида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи бевосита Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш Департаментининг метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Мавжуд метрополитен ҳудудлари кўриғини ташкил этиш, улардан фойдаланадиган юз минглаб йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, метрополитен объектларида жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ кўпқиррали ва мураккаб, масъулиятли вазифаларни бажариш бевосита шу ҳудудда хизмат олиб борадиган ички ишлар органлари ходимлари зиммасига юклатилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 март ПФ-6196-сон Фармони [1] қабул қилиниб, унда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун замон талабидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини ишлаб чиқиш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу Фармонда келтириб ўтилган биргина “ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жинойтчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш” [1] каби вазифанинг ўзиёқ метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳали бир қатор кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш, бу соҳада замон талабидан келиб чиқиб муайян ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини билдиради.

Бундан ташқари, юқоридаги Фармондан келиб чиқиб, Президентимизнинг “Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 16 октябрь 5260-сон Қарори [2]да қуйидаги вазифалар ҳам белгилаб берилди:

илғор хорижий тажриба асосида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш;

инфратузилмани модернизация қилиш ҳамда ҳаракат таркибини босқичма-босқич янгилаш;

замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жараёнларни рақамли бошқариш тизимини жорий этиш;

метрополитенда хавфсизлик тизимини такомиллаштириш орқали йўловчилар ва ҳаракат хавфсизлиги даражасини ошириш;

метрополитен оммабоплигини ошириш мақсадида ер усти йўловчилар ташиш транспорти йўналишлари тармоғини метрополитен тармоғи билан интеграция қилиш;

хавфсизлик, шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солувчи норматив ҳужжатлар талаблари доирасида метрополитен ҳудудида хизмат кўрсатиш, савдо ва реклама фаолияти тизимини жорий этиш;

замонавий билимга эга профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш орқали соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш.

2016 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан метронинг ер усти линияси қурилиши ишлари бошлаб юборилди. Бугунги кунда кейинчалик ишга туширилган “Ўзбекистон йўли” линияси (узунлиги 14 км 600 м), “Юнусобод йўли” линияси (узунлиги 9 км 600 м)дан ташқари “Ер усти ҳалқа йўли” линияси (узунлиги ҳозирча 11 км 400 м) фаолият юритмоқда. Бугун барча йўналишлар масофаси жами сал кам 60 км ни ташкил қилади.

Тошкент метрополитени 43 та бекат ва 11 та объектлардан иборат, ушбу бекатлар ва метро йўллари ҳамда объектлари пойтахтнинг 9 та тумани ҳудудидан ўтган.

Бундай улкан ҳудуд ва масофани ташкил этган метрополитенда содир этилиши эҳтимол тутилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг профилактикасини ташкил қилиш, прогнозларини ишлаб чиқишда инновацион усуллар, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш давр тақозосидир.

Метрополитен объектларида хавфсизлиқни таъминлаш – бу метрополитеннинг бутун иш фаолиятини узлуксиз ва бир текисда таъминлашга мўлжалланган икки йўналишли йўловчи ташувчи транспорт тизими, поездлар йўналиши ва эскалаторлар ҳаракати хавфсизлиги, метрополитенда йўловчилар ҳаракатланишини кузатувчи операторлар хоналари, электр таъминот станцияси объектлари, вентиляция тизимлари, деполар, метрополитен ходимлари ишлайдиган хоналар, чиптахоналар ва бошқалардан иборат улкан мураккаб ҳўжалик тизимини асраш демакдир.

Метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари ходимлари фаолиятини оқилона бошқариш, метрополитен ҳудудидаги мавжуд куч ва воситаларни тенг ва вазиятга мос тақсимлаш, хизмат жараёнида ўта ҳушёрлик, мураккаб вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига оғишмай риоя қилиш, замонавий техник воситалардан тўғри ва ўрнили фойдаланиш, йўловчилар билан ўзаро муносабатда ҳушмуомалалик ва бошқа ҳ.к.ларни талаб қилади. ИИО ходимлари бу орқали метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида кундалик ҳаётий жараёнларнинг муҳим бошқарувчиси ва иштирокчисига айланадилар.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳусусида қуйидаги олимларнинг мулоҳазалари эътиборга молик. Россиялик олим А.М.Вороновнинг фикрича, жамоат хавфсизлигини таъминлаш деганда, шахс, жамият ва давлатнинг муҳим ҳаётий манфаатларига бўладиган адекват хавфлардан маъмурий-ҳуқуқий, ахборот-ҳуқуқий ва бошқа характердаги чораларни амалга ошириш орқали объектлар хавфсизлигини зарур ҳимояланганлик даражасини яратиш

ва сақлаб туришга қаратилган давлат сиёсатини шакллантириш ва ҳаётга жорий этилишини тушуниш керак [3; 374].

С.М.Зирянов ва В.И.Кузнецовларнинг таъкидлашича, транспорт Россия иқтисодиётининг муҳим тармоғи ва ҳар бир киши нормал ҳаётининг зарур атрибути ҳисобланади, Шу билан бир вақтда одамларнинг ҳаёти ва хавфсизлиги, табиий атроф-муҳит, мулкка таҳдид қилувчи юқори хавф манбаига киритилади [4]. М.А.Смирновнинг фикрича, метрополитенда транспорт сингари ўзининг ички инфратузилмасига кўра потенциал хавфдан ҳимояланиш зарурлигининг яққол факти кўзга ташланади [5].

Метрополитенда ҳаракатланувчи транспорт воситалари — икки йўналишли поездлар йўловчиларни ташишнинг энг қулай ва арзон усули бўлиб, одамларнинг вақтини тежайди, ҳар қандай об-ҳаво шароитида уларга бир хилда хизмат кўрсатади. Аммо у ёпиқ ҳудуд бўлиб, ички қўриқланиши керак бўлган муайян инфраструктурасига эга ва бу хизмат кўрсатувчи ходимлар, хусусан ички ишлар органлари ходимларидан белгиланган ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш талабларига қатъий риоя этишни талаб қилади. Чунки метрополитен ташқарида ҳаракатланадиган транспорт воситаларига қараганда, юқори хавф манбаига эга. Бунинг боиси ҳудуднинг чекланганлиги, айрим шароитларда аҳоли тирбандлиги, баъзида кузатув воситаларида носозлик рўй бериши, йўловчиларнинг юқларини синчковлик билан кузатиш кўп вақт талаб қилишини келтириш мумкин. Бу эса метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг энг заиф нуқтаси ҳисобланади. Чунки кичик бир эътиборсизлик, техник носозлик ёки норматив-ҳуқуқий таъминланмаганлик бутун бир аҳоли, жамият учун ўрнини тўлдириб бўлмас фалокатларга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда метрополитен ва унга қарашли барча объектларни қўриқлашнинг янгича моделларини ишлаб чиқиш давр тақозосига айланмоқда, Чунки аҳоли сонининг кўпайиб, миграция жараёнларининг кучайиб бориши, замонавий техника ва технологияларнинг кескин ривожланаётганлиги, жаҳонда терроризм хавфининг ошиб, турли усуллар

орқали мамлакатлар тинчлигига раҳна солаётганлиги метрополитенда хавфсизликни таъминлашнинг энг замонавий шакллари ишлаб чиқиб, жорий этишни тақозо этмоқда.

А.В.Швецов маълумотига кўра, 1977–2017 йиллар давомида Москва, Лондон, Париж, Япония, Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларда 33 марта террористик акт содир этилиб жами 465 киши қурбон бўлган, 8530 нафар киши жароҳатланган. Бу жиноятларнинг 30%, яъни 10 таси Россия ҳиссасига тўғри келади. Бу машъум кўрсаткич бўйича иккинчи ўринда Буюк Британия (6 та, 18 %), учинчи ўринда Франция (5 та, 15,1%) туради [6].

Метрополитен объектларида ички ишлар органлари ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш борасида кенг доирадаги профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади: станциялар, поездлар, хизмат хоналари, метрополитеннинг фойдаланиладиган ва вақтинча фойдаланилмайдиган бино ва иншоотларининг муҳрланганлиги текширувдан ўтказилиб, кузатув камералари орқали аниқланган шубҳали шахслар ва қўл юклари синчиклаб текширилади. Айниқса, эрталаб соат 7.00 дан 10.00 гача ва кечкурун соат 16.00 дан 19.00 гача тифиз вақт ҳисобланади. Бундай вазиятларда 24 соат давомида хизмат олиб бораётган ИИО ходимлари янада хушёр ва сергак ҳолда йўловчиларни кузатадилар, уларга ҳурмат кўрсатган ҳолда платформанинг белгиланган чизиғидан ўтмасликни талаб қиладилар. Метрополитен поезди ҳаракатни бошлаган вақтида йўловчиларга шубҳали буюм ёки эгасиз нарса аниқланганда хабар бериш ҳақида баланд овозда огоҳлантирилади. Аммо шундай бўлса-да, аксарият ҳолларда шароит тақозосига кўра қуйидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилади:

Биринчиси – метрополитенда йўловчилар тифиз бўлган вақтларда поезд вагонларидаги тиқилинч ҳолатлардан фойдаланиб, пул ва қимматбаҳо бойликлар, аксарият телефон ўғирликлари содир этилади. Бунга асосан талабалар ва бошқа йўловчиларнинг шахсий эҳтиётсизлиги сабаб бўлади.

Иккинчиси – метрополитен ҳудудида турли контингент, тоифа ва характердаги йўловчиларнинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришлар туфайли, кам

учрасада, суицидга мойиллиги, жонига қасд қилиб платформадаги белгиланган чизикдан ўтиб темир йўлга ўзини ташлаш ҳоллари кузатилади.

Учинчиси – метрополитен ҳудудидаги кириш тақиқланган объектлар – деполарга айрим ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил мамлакатимиз ва чет эл фуқароларининг вентиляция тармоқлари орқали яширинча кириб, мол-мулкка зарар етказишдан иборат ҳуқуқбузарликлари бир неча марта содир этилган. Бунга номи зикр этилган объектларда профилактик чоралар яхши йўлга қўйилмаганлиги – қўриқлаш тизимининг заифлиги, мустаҳкамланмаганлиги сабаб бўлади.

Тўртинчиси – метрополитендан фойдаланиш ва унда ҳаракатланиш қоидалари тўғрисида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва йўриқномалар қабул қилинган бўлсада, тартиббузарлик ёки ҳуқуқбузарлик учун жазо санкцияларининг енгиллиги, бу ҳуқуқбузарлик учун жазодан қўрқмаслик, уни такрор содир этиш ва оқибатда ўта оғир жиноятларга йўл очилишига сабаб бўлади.

Кейинги ҳолат бўйича, яъни метрополитеннинг тақиқланган объектларига рухсатсиз кириб, уларга зарар етказган, ички ишлар органлари ходимларининг ҳушёрлиги, саъй-ҳаракатлари билан ушланган чет эллик фуқароларнинг бу қилмиши учун уларни маъмурий жавобгарликка тортиш, яъни улардан арзимас жарима ундириб, мамлакатдан чиқариб юбориш ҳуқуқбузарлик ёки жиноят учун жазонинг муқаррарлик принципи тўлиқ таъминланмаганлигини билдиради.

Шу муносабат билан, метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг барча субъектлари, яъни шу ишга масъул бўлган барча ташкилотлар, муассаса, идоралар раҳбарлари ва ходимлари Давлатимиз раҳбари томондан юқорида келтириб ўтилган Фармон ва Қарорларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва қатъий бажариши шарт ва мажбурийдир.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўпчилиқ мамлакатлари, Россия, АҚШ, Франция, Япония ва бошқа ш.к давлатларда метрополитенда хавфсизликни

таъминлаш хизматига жалб этилган полиция бўлинмалари тегишли вазирлик ёки полиция бошқармаларига бевосита бўйсунди, Буюк Британия ва Хитойда транспортдаги ички ишлар органлари шу соҳадаги ижроия орган ва транспорт таъминоти соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи органга бўйсунди. Бундай икки томонлама бўйсунтиш полиция куч ва воситалари ҳисобига транспортда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш имконини беради ҳамда бу бир вақтда полиция таркибий бўлинмаларининг молиялаштириш қисмида қийинчилик туғдиради, шунингдек, бу мос равишда унинг ташкилий-штат тузилишида ҳам акс этади [5].

Шу муносабат билан, Тошкент метрополитенида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг бир қатор тизимини қайта кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш чораларини амалга ошириш зарурлиги долзарб масала ҳисобланади. Бунда эса бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш талаб этилади:

биринчидан, Тошкент метрополитенида ҳам метрога кириб келаётган йўловчиларни визуал камера орқали юз қиёфасидан таниб олувчи электрон маълумотлар базасини яратиш жоиз. Бу ҳуқуқбузарлик ва жиноятга мойил, қиёфасидан шубҳали шахсларни бир зумда текшириш имконини беради;

иккинчидан, метрополитен объектларини кўриқлаш, хавфсизликни таъминлаш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ички идоравий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, ички ишлар органлари ходимларининг функционал вазифалари қатъий белгиланган йўриқнома ишлаб чиқиш;

учинчидан, метрополитен объектларида транспорт хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, ҳудуднинг терроризмга қарши ҳимояланганлик ҳолатини қайта текшириш, жамоат тартибини сақлаш, муҳим инфратузилмавий объектлар хавфсизлигини таъминлашда ИИО фаолиятини янада самарали ташкил этиш;

тўртинчидан, метрополитен стратегик объектлари ҳисобланган вентиляция тизимлари, деполар ва ш.к. объект ва иншоотлар жойлашган

худудлар кўриқловини қайта ташкил қилиш, уларга яширин кузатув камералари ўрнатиш ва махсус тўсиқлар билан мустаҳкамлаш;

бешинчидан, метрополитенда хизмат ўтаётган ИИО ходимлари ишини янада самарали ташкил қилиш, яъни об-ҳаво шароити ёмонлашганда, тигиз вақтларда, байрам ва турли тадбирлар шароитида аҳоли гавжум бекатларга кўшимча куч ва воситаларни жалб этишни оқилона ташкил этиш, хушёрликни янада кучайтириш;

олтинчидан, метро бекатлари оралиғидаги поездлар ҳаракатланадиган ёпиқ темир йўл тоннелларининг ҳолати, улар ўтган жойлардаги объектлар, шунингдек, метронинг поездлар ҳаракатланадиган очик худудлари кўриқловини янада самарали ташкил этиш зарур.

Фикримизча, метрополитенда хавфсизликни таъминлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали ёки янги прим модда қабул қилиш билан такомиллаштириш давр талабидир. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг *“Транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик”* деб номланган XI бобни қуйидаги прим моддалар билан тўлдириш лозим.

“115¹-модда. Метрополитеннинг тақиқланган объектларига рухсатсиз кириш.

Метрополитеннинг тақиқланган объектларига ўзбошимчалик билан рухсатсиз кириш – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача қамоққа олишга сабаб бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг *“Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар”* деб номланган XVIII бобини қуйидаги прим модда билан тўлдириш:

“263²-модда. Метрополитеннинг тақиқланган объектларига рухсатсиз кириш

Метрополитеннинг тақиқланган объектига рухсатсиз кириш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари ва бошқа ускуналарга зарар етказиш, уларни яроқсиз ҳолга келтириш уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Хулоса қилиб айтганда, метрополитенда хавфсизликни таъминлаш учун замонавий техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан ички ишлар органлари ходимларининг турли жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлигига таяниш янада юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март ПФ-6196-сон Фармони //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон)
2. Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 октябрь ПК-5260-сон қарори //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.10.2021 й., 07/21/5260/0967-сон
3. Воронов А.М. Общественная безопасность: Административные и информационно-правовые проблемы обеспечения: диссертация ... доктора юридических наук. – Москва, 2005. – 426 с.
4. Зырянов С.М., Кузнецов В.И. Транспортная безопасность и система субъектов ее обеспечения // Журнал российского права, 2012. – № 12. – С. 5-12.

5. Смирнов М.А. Административно-правовое обеспечение общественной безопасности на объектах метрополитена: дисс. на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – Москва: Московский университет Министерства внутренних дел Российской Федерации имени В.Я.Кикотя, 2020.

6. Швецов А.В. Обеспечение безопасности и защиты метрополитенов от несанкционированного вмешательства и воздействий: автореф.канд.тех.наук. – Москва: на базе федерального государственного бюджетного образовательного учреждения высшего образования «Российский университет транспорта (МИИТ), 2018. – 24 с.

1. <https://www.gazeta.uz/oz/2022/12/06/metropoliten/>)